



“НАВОЙ ЁМОН БЎЛСА, СЕН ЯХШИ БЎЛ...”

(Бошланиши 1-саҳифада)

Луғатларга мурожаат этайлик. 5 жилдли “Ўзек тилининг изоҳли лугати”да “наво” сўзининг бешта маъноси берилган: биринчи ўринда кўй, оҳанг, кўшиқ; сунг: завқ, мақом номи, нола ва мъеморчиликда кўпланағидан безак. Кўриниб турибдики, бу маъноларниң бирортаси ҳам байт мазмунига мувофиқ эмас. П.Шамсиев ва С.Иброҳимовнинг “Навоий асарлари лугати”да ҳам “наво” сўзининг бешта маъноси берилган: 1) овоз, садо; 2) кўй, оҳанг; 3) куй номи; 4) бойлик; 5) насиб, баҳра. Дастраски уч маъно бирорига якин ва байт мазмунига тушмайди. Байтдаги “наво” бойлик деб тушунилса ҳам маъно чиқмайди, фақат сўнгги маъно анча якин.

Эроннинг “Деҳхудо” нашриёт уйи томонидан нашр этилган машҳур “Форс тили луғатнома”сида “наво” сўзининг биринчи маъноси сифатида “тириклик, кун кўриш воситаси” (“васоилини зиндаги”) маъноси берилган. Ҳеч шубҳасиз, юкоридаги байтда худди шу маъно ўринли: ҳаётдан ноумид бўлган одам учун бир бурда нон тутадиган ахли давлат, саховатпеша топилишидан умид қолмади.

Нақадар аччиқ, бенаво муҳит.

Яна бир мисол:

Навоий охи навососи шоҳ Абулғозий
Сипех мартаба Султон Ҳусайн Бойқаро.

(Рашванди, шоир кўйловчи эмас, додга етувчи Султон оҳимга қора қиласи) демокда.

Албатта, “наво” сўзи мумтоз адабиётда кўй, кўшиқ маъносидан жуда кўп учрайди:

То тузди Навоий ояти ишк,
Ишк ахли аро наво бўлубтур.

Айниқса, булбул сўзи билан бирга келганди наво қўйни билдириши табиий:

Навоий эрур булбулинг, лекин эй гул,
Уннуттури ҳажринг ҳазони навосин.

Дам урма бу чаманд, Навоийки, бир гуле
Биллас заган фигонини булбул навосидин.

“Наво” сўзи бир байтда ҳар икки маънода келиши, тажнис санъати ҳосил қилиши мумкин:

Дедим: “Эй гулрух, Навоийга наво еткур.
Дедим: “Ким кўрубтур бўлганин булбул

навоға эҳтиёж!”

(Эй гулрух, Навоий дардига наво (чора) қил десам, у “Сен назмнинг булбулписан-ку, булбул наво (кўй)га муҳтоҳ бўлганини ким кўрган?” дега гапни бошқа ёқа бурди.)

Мана бу байтдаги “наво” сўзининг икки маънолиги тажнисга нисбатан юксакроқ (мураккаброқ) ижро санъатини ҳосил қилган:

Эй, навбахори оразинг

субҳига жонпарвар ҳаво,

Андин гулу булбул топиб юз

бар бирла минг наво.

Иккичи мисрадаги барг ва наво сўзларининг юзадаги маъноси: гулнинг барги ва булбул навоси; шоирнинг асли ниятини инфада етувчи маъноси: барг – ҳосил, самара; наво – дардига чора, яъни муддаога етиш.

Дарвоже, юкоридаги “Ишк ахли аро наво бўлубтур” мисрасига ҳам ийҳом хос.

Навоий шеърларида “наво” сўзининг бўлишилизин шакли бўлмиш бенаво-навосиз 99 физи ҳолда кўй-кўшиқка алоқадор эмас. Бир фоизга мансуб мисол:

Ҳавоий гулшани күд ат,

Навоийким, хуш эрмастур

Заганлар бирла бу гулшанди

бўлмоқ бенаво аср,

(Шеъриятнинг пок гулшанини ўзингга муқаддас деб билган экансан, эй Навоий, ундаги қарбалар ичидан сен бенаво бўлишинг – кўйлашни уларга бериб қўйишинг яхши иш эмас).

Бундай байтлар истиснодир. Мана бу мисолни олайлик:

Навоий, бенаволиқ шевасин берма иликдинким,
Наво ҳар кимки истабур,

топибдур бенаволидин.

ТАБДИЛ

Xусайн Бойқаро замони шоирларининг ҳаммасини туркча ёзиша савқ ва ташвиқ киларди. Ҳаммаларига бир қанча ҳаджалар, мукофотлар берарди. Навоий эса бутун шоирларга бошлиқ бир санъат устози бўлғондир.

Жилд-жилд шеърлар ёзган бу бўюк турк шоирининг қудратини, санъатини, тилини тадқиқ, эйтмак, текширмак бир вазифа ҳам бир шарафдир.

Демак, санъаткорлигидаги ҳеч шубҳа бўлмайдигон Навоийнинг асарларида бу фитрат сирини кўрмак истаймиз. “Ҳамса”лари, маснавийлари, касидалар ила ҳатто “Мезон ул-авон”лари ила у санъаткорлик қудратини кўрсатгандир. Порлок ташбехлари, мумтоз истиоралари, латиф хаёллари юзасидан унга замонининг энг буюк шоирлари тақиқдир.

Шарқ адабиётida лиризмнинг яшагони ва тадбиқ бўлингандан энг жонли соҳа “ғазал”лариди.

Навоийнинг асарларини ҳам таджик этсан, бир неча газаллар кўрамиз.

Тўртта буюк девонига болалигидан бери ҳисларининг, ҳаяжонларининг

таржимонлари бўлғон газалларини кайд этган Навоий, шубҳа ўйки, санъаткор бўлғони қадарда лирик бир шоирдир.

Ёзган газалларининг ҳаммаси бир кувватда, бир хосиятда бўлмагонлиги ва бўлмаслиги ҳам ошқорадур. Фақат ичидан атрофли бир қалбонинг, яралик бир коракнинг, ҳижронли бир сийна-қўясининг яшагон жуда жонли, жуда ҳазин шеърлари бордир.

Лабарингдан гарчи қон ютмоқ дамодамдир менга,

Бир даме жоми висолинг йўқса, не гамдур менга –

деб инглаган шоир лирикдир, ҳаяжонидир, юрагида ишлаган ва қонаган яширин бир яраси, бир ишик, бир ҳижрони бордир. Айтсан бўлғон Фузулийнинг ҳаммаси мукаддас деб додламок учун энг жонли, энг гўзал, энг қалбий намуналарни Навоийни ҳам кўргандир...

САНЪАТКОРЛИК ҚУДРАТИ

Бўлғонни ҳолда қанча нафар Фузулий кўрмак мумкинди? Албатта, Фузулийни башқа шоирларимиздан устун қилган маъзият унинг санъати эмас, балки хоссиятни (сезувчанилиги)дир. Ишкӣ самимияти, ҳижрони, алами, қисқача кўз ёшларидир.

Демак, санъаткорлигидаги ҳеч шубҳа бўлмайдигон Навоийнинг асарларида бу фитрат сирини кўрмак истаймиз. “Ҳамса”лари, маснавийлари, касидалар ила ҳатто “Мезон ул-авон”лари ила у санъаткорлик қудратини кўрсатгандир. Порлок ташбехлари, мумтоз истиоралари, латиф хаёллари юзасидан унга замонининг энг буюк шоирлари тақиқдир.

Шарқ адабиётida лиризмнинг яшагони ва тадбиқ бўлингандан энг жонли соҳа “ғазал”лариди.

Навоийнинг асарларини ҳам таджик этсан, бир неча газаллар кўрамиз.

Тўртта буюк девонига болалигидан бери ҳисларининг, ҳаяжонларининг

Навоий ғазалларини ўқиганда тахаллуси шунчаки анъана деб ўтиб кетмаслик керак, чунки байтда сўз тахаллусдан ташқари турдош ота маъносиди ҳам келиши (тахлис санъати), устига-устак, айни бир пайтда кўлловчи ва кўйловчи маъноларини билдириши ҳам истисно эмаски, натижада ийҳом санъати юз берishi мумкин:

Навоий бенаволиғ бирла доим май ичар, бир кун Наво накшини даврон мутриби

базмиди чолгай деб.

Ҳатто:

Бенаводур Навоий оллингда,

Тонг эмас бўлса бенаво муҳтоҳ –

байтида (мазмунан муножот) уч қаватли ийҳом:

1) тахаллус: ҳузурингда Навоий бир гадодек, бечорадир, муҳтоҳ бўлади-да;

2) муносабат: олдингда ҳатто булбулдек кўйлайдиганлар ҳам сукутга чўмид, бир бечора тарзида сенинг илтифотингда муҳтоҳ;

3) ҳомий: сенинг олдингда ҳатто бою бадавлатлар ҳам бечораки, улар сенинг лутфига муҳтоҳлигидан ажабланма. (Валлоҳу альам.)

Даҳо шоир тахаллусини “Навоий” дегувчи адабиётшунослар юй эмас. Бунга мутлақо кўшилиб бўлмайди. Биринчидан, унинг шеърларида дэярли ҳамма ўринда қолипидаги сўз, яъни “Навоий” вазнага тушади, навоий эса қолипида бўлиб, айрим ҳоллардагина учрайди. (Мумтоз адабиётда вазн тақозоси билан тахаллус нонорматив шаклда кўйланиши кенг тарқалган: Муқими–Муқими–Муқим–Муқим, Увайсий–Увайсий–Увайсий ва ҳоказо. Шунинг учун айрим ўринларда тахаллус Навоий шаклида келиши асил тахаллус Навоий эмаслигига далил бўла олмайди.) Иккичидан, Низомий, Насимий, Жомий, Хилолий каби юзлаб мисол кўрсатиб турибдики, тахаллусда сўнгига “и” унлиси чўзиқ бўлиши лозим, ҳозирги алифбода чўзиқлик айнан “-ий” тарзида исфодаланди. Учинчидан, навоий, гадойи, видойи сўзлари луғатда бор, аммо вафойи, муаммойи, ҳалвойи, наими, сафойи, бақойи, фанои, зебои, зиёйи сўзлари мавжуд эмас, бу сўзларга ўзакдош, “Мажолис ун-нафоис”да зикр этилган тахаллуслар Вафоий, Муаммой, Ҳалвоий, Наимий ва ҳоказо эканлиги шубҳасиз. Тўртичидан, “Навоий эмас”, “Навоий” бўлиши керак, деган принцип ўзага бир бўғинли тахаллусларга кўлланса, ғалат ҳосил бўлади: Жоми, Дойи, Фози,

бўлғай. ...Мунча бинои ҳайрим, ул қилди, кам киши мундок муваффақ бўлмиш бўлғай”.

Хондамир “Макорим ул-ахлоқ” рисоласида ёзади:

Ушибу сўзларни ёзувчи (яъни Хондамир) нинг фикрига, ул ҳазратнинг ҳазинасида бирор ийли ҳам закот тўлашга воқиж бўладиган даражадаги олтин ийғимас эди. Чунки мулозимлари кўлига (Навоийнинг ҳисобонаси) келиб тушган ҳар қандай даромад тез орада турли табака ва гурхулар вакиллари бўлган кишиларга ињом тасдиқларни берадиган. Шеърий мисра (форсчадан табдил):

Тақородлар қўлида турмас мол-дунё.

Ҳар доим эзгулик ва саҳоват денгизи бўлган бу Амир (яъни Навоий) билан учрашишга мусассар бўлган улуғлар мухтоҳ кишиларнинг номларини айтардилар, ул ҳазрат ҳам (муҳтоҳларнинг) эҳтиёжи даражасидан келиб чиқсан ҳолда ўз инъом дастурхонидан (яъни маблагидан) уларни баҳраманд этардилар.

Хондамир Навоий билан учрашишларнинг илтифосига мувофиқ қўлинига шайхия ҳаётдан сўзламоқда. Ҳубекистон Фанинг Беруний номидаги илмий тадқиқот институти фондида “Навоий альбоми”, деб аталағидан манба сақланади. Унда Абдураҳмон Жомий, Ҳўжа Убайдуллоҳ Ахрор, Муҳаммад Табодғоний, машҳур шайх Алоуддин Атторонинг невараси Муҳаммад Аттор ва бошқа жами 16 кишининг 60 га яқин мактуби ўрин олган. Ҳатларнинг мутлақ кўччилиги, хусусан, Жомийнинг 300 дан зиёд ҳати Навоийга аталган бўлиб, уларда асосан қайсиидир мухтоҳ кишига ёрдам кўрсатиш сўралган. Навоий бундай илтифосларнинг бирортаси ҳам эътиборсиз қолдирмаган, аксинча, сўярланидан зиёда қилиб бажарган. Бу борада Навоий амал қилган принцип мана бу қитъада байнада этилган:

Дебон берган киши эрдур, валекин
Демай берганга эрлик бил мусаллам.

Не деб, не берса билгил они хотун,
Дебон бермаси хотундин даги кам.

(Ҳайрiya қиламан деб, қилганни инсон де, аммо сўрашини кутиб ўтирамай ҳайрiya қилганинн алпоръо бил. Шунча берадан, деба ўшанча берган у қадар саҳиҳ эмас, умидвор

БОБУР – НАВОЙШУНОС

(Бошланиши 1-саҳифада)

Иккинчидан, Бобур ҳижрий 911 (милодий 1506 йил) Ҳиротга Султон Ҳусайн Мирзонинг даъвати билан борганида айнан ҳазрат Алишер Навоийнинг "Усия" номли уйида 20 кун яшайди. У буни Бадиuzzамон Мирзо ва Музаффар Мирзонинг қўналғалирида қолмаган ҳолда маҳсус равишда сўраб олади. Мана шу кунларда на Навоийнинг деярли барча асарлари билан танишади, у зот Ҳиротда курдирган барча биноларни бориб кўради. Шу орада Навоий девонларидан ўзи учун терма девон туздириб олади ва уни бир умр ўзи билан олиб юради.

Бобур айнан шу воқеаларни "Вақое" да баён этар экан, Султон Ҳусайн Мирзо умраси қаторида Навоийни ҳам биринчилар қатори зикр стади ва муҳим мъалумотлар кептиради. Кейинги саҳифаларда ҳам Алишер Навоий турли воқеалар муносабати билан ўтказади.

Бобур ёзди: "...Яна Алишербек Навоий эди, беги эмас эди, балки мусоҳиби эди, кичикигига ҳаммактаб экандорлар..."

Бу ўринда Ҳусайн Бойқарога муносабати ва унга боғлиқлиги нуқтаи назаридан Навоий ўсланаётган бўлса-да, Бобур жуда муҳим жиҳатга дикқатни қаратмоқда. Яъни подшохнинг ҳар бир умароси ёки беги унинг "мусоҳиби" (сұхбатдоши) бўломласлиги ва Навоий айнан шундай яқин эканлиги, уларнинг бу яқинлиги болалиқдан бошланганини ўтқирмоқда.

Шундан сўнг, Бобур яна жуда қисқа ва асосли мулҳозазани айтади: "Хусусияте бисёр экандур".

Этибор беринг, Навоий ва Султон Ҳусайн кўп жиҳатдан бир фикрдаги, ўҳашаликлири бисер дўст экан. Айнан шундай тўхтамини ҳеч бир тарихи гайтмаган эди. Ёки яна, тарихий асарларнинг аксарида Навоий жуда мақталса-да, ундаги иккى хусусият – нозик мижозлиги ва тез рахнишига маҳсус ургу бериларди. Бобур ана шу жиҳатларга ҳам нуктадонлик билан жавоб топади. Унинг таъкидлашича:

"Алишербекнинг мижози нозуқлук билан машҳурdir. Эл назокатини давлатининг гуруридин тасаввур қылур эдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибилий экандур. Самарқандта эканда ҳам ушмуңдок нозук мижоз экандур..."


Талқинга кўра, халқ Навоий табиатидаги нозик мижозлиқ (нозик ҳис-туйғулар, сұхбатдош ва дўстни чеरтиб-чертуб таълаш, нағис ва гўзал нарсаларни суюш, тавозев, озода ва сарыштилаки каби) хусусиятини ўта давлат-манд ва юқори мансабга эга бўлгани учун гуру-кибрга берилган, дёя тасаввур қыларди. Йўқ, аспо ундей эмас экан. Бундай сифат у зотда туғмадир. Чунки Самарқандда моддий қийинчилек билан кечган тўрт йил давомида ҳам худди шундай "нозук мижоз экандур".

Тарихчилардан на Мирхонд, на Ҳондамир, ҳатто кейинчалик Восифий ва бошқалар ҳам айнан Навоий шахсиятидаги ажаб жиҳатларни Бобурчалик бу тарзда нозик кашф этиб, баён қўлмаган эди. Умуман, Бобурнинг Навоийга муносабати, қарашлари ва талқини бошқаларнидан реаллиги ҳамда кенг қамровилиги билан ажralиб туради.

Бу каби жиҳатлар ҳақида ва умуман Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобур алоқаси, асарларидаги ўҳашаликлар, айни-

са, Бобурнинг Навоий ҳақидаги қарашлари борасида аввал ҳам илмда тўхтанилган. Жумлаидан, В.Бартольд, Е.Бертельс, А.Семёнов, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Иzzat Султон, А.Ҳайитметов, Б.Аҳмедов, А.Қаюмов, Ҳ.Кудратуллаев, С.Ҳасанов, Ш.Сирожиддинов, В.Рахмонов, А.Аъзамов каби олимларнинг айрим ишларини санаш мумкин.

Биз кўйина бир масалага эътибор қаратмоқчимиз. Яъни Бобур асарларида Навоийнинг нечта ва қайси шеърлари келган?



"Вақое" нинг ҳижрий 905 (милодий 1499-1500) йил воқеаларида Навоийнинг "Наводир уш-шабоб" девонидаги 385-ғазалдан байт кептирилган (буғазал кейинчалик Навоий томонидан мусамман ҳам қилинган):

Не борурга қувватим бор, не туртра тоқатим,
Бизни бу ҳолатқа сен қилинг ғирифтор,
эй қўнгур.

Бобур "Девон"идаги бир қитъа эса

Навоийга тазмин.

Эйки, дебсен лутф этиб, лутфи итобомуз ила:
"Кўнглунг истар ёрлар бўйла ҳамиша шод бўл!"
Мендину кимдин яна бордур никори хотиринг?
"Мендину кимдинки кўнглунг"

истамас, озод бўл!"

Мазкур қитъанинг 2- ва 4-мисралари "Ғаройиб-ус-сигар" девонидаги 283-ғазалнинг матлаъсидир.

Яна, Бобур девонининг айрим қўлзёзмаларида Навоийнинг бир ғазали янглиш равишида Бобурнинг руబойси сифатида кептирилди. "Кўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга", дёя бошланувчи машҳур ғазалнинг дастлабки иккى байти ("Ғаройиб-ус-сигар", 16-ғазал). Бобур девонининг Париж, Лондон (22 б) ва Ҳайдаробод (23 б) нусхаларида Бобурнинг шеърлари орасида кўчирилган.

Бобурнинг "Аruz risolasi" саҳифаларида ҳам Алишер Навоийнинг лирик шеърларидан ўнлаб мисоллар кептирилганни маълум. Уларнинг адади ва айнан қайси де-

вонлардан эканлиги ҳақида бирор тўхтансак. Мазкур асарда Шарқ мумтоз адабиётининг ўнлаб вакиллари шеърий ижодидан кўплаб намуналар берилади. Уларнинг орасида энг кўп Алишер Навоий асарларидир. Кейин Амир Ҳусрав, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Ҳомий асарлари келади. Шу билан бирга, рисоладаги аксар шеърларнинг муаллифи кўрсатилмайди ва ана шуларнинг катта кисми Бобурнинг ўз қаламига мансуб асарларидир.

Навоий асарлари эса, "Аruz risolasi"-нинг ўндан ортиқ саҳифаларида учрайди. Улар кўпроқ байтлар шаклида берилади (фақат, уч ғазал тўлиқ). Бобур уларни аруз вазининг турли баҳрларида ижод қилинган шеърлар тарзида мисол кептиради. Масалан, "Наводир уш-шабоб" таркибидаги 339-ғазал матлаъсини 2 вазн ва бир тақтев шаклида беради (676 варак). Шунингдек, фақат лирик жанрдаги ғазал ва руబойлардан намуна кептирилган ҳолда бир ўринда "Ҳайрат ул-аброр" достонининг 13-бобидан ҳам парча берилган (1656 варак).

Бобур шоқша шоирлар каби Навоийнинг ҳар бир байти ёнига унинг муаллифини қайд этади ёки кетма-кет келса "ва лаху" (яна ўша) иборасини қўллади.

Шу тарика, Бобур Навоийнинг лирик асарларидан 214 та шеърий парча кептирганига гувоҳ бўламиш. Умумхисоблаганда эса, жами 215 та шеър Бобур тарафидан "Аruz risolasi"га Алишер Навоийни эканлиги таъкидлаб киритилган. Фақат бир ўринда "Навоий" номи кўрсатилмаган байт бор (58 а варак), "Наводир уш-шабоб"даги 199-ғазал матлаъси).

Мазкур шеърий мисолларни "Ҳазойин ул-маоний" таркибидаги девонлар матни билан киёслаганимизда шундай манзара намоён бўлади:

"Ғаройиб ус-сигар"дан 88 та шеърий намуна;
"Наводир уш-шабоб"дан 38 та шеърий намуна;
"Бадор ул-васат"дан 26 та шеърий намуна;
"Ғавойид ул-қибэр"дан 24 та шеърий намуна.

Колган 37 та шеър (байт ва руబойлар) эса "Ҳазойин ул-маоний" таркибida ийӯк асарларидir.

Албatta, уларнинг ҳам айнан Алишер Навоийни эканлигига ҳеч бир шубҳа йўқ. Зероқи, энг асосий далил Бобур уларни Навоийни, дёя кептирганидир. Инчунин, айнан Ҳиротга келганида Навоийнинг ўйида яшаганилиги, улуғ шоир ижодиётини чукур ва атрофлича билиши, Навоий девонларидан ўзи учун терма девон ҳам туздириб олгани ҳақида "Бобурнома" саҳифаларидан бизга маълумлигини юқорида эсладик. Колаверса, "Ҳазойин ул-маоний" таркиbигa кирмай қолган Навоийнинг бошқа лирик асарлари борлиги ҳақида адабиётшунослиқда кўлдан бери фикрлар билдириб келинмоқда (бу ҳақда Ҳ.Сулаймон, Ф.Сулаймонова, А.Абдурағуров, О.Жўрабоев ва бошқаларнинг тадқиқлари бор). Мазкур 37 адад шеър намунаси ҳам ана шу фикрларнинг асосли эканлигини яна бир карта тасдиқлайди.

**Навоий турк тилинини отасидур.
Навоий буёк адаб, буёк шоир, буёк доҳийдур.**

Вадуд МАҲМУД



Оtabek JURABOEV,
филология фанлари номзоди,
доцент.

Бунга сабаб сифатида Бобур кўлида Навоий девонларининг ҳануз фанга мавзум бўлмаган нодир нусхалари бўлганини таъкидласак, хато бўлмас. Масалан,

Тилагим сенинг ҳузурунинг,

таплабим сенинг жамолинг,

Неча кун тириклигимдин

Гаразим сенинг висолинг –

деб бошланувчи ғазал ҳам Навоийни эканлигига ишботланган ("Айёми висол ўлди яна"). Тайёрловчи: Ф.Сулаймонова. Faufur Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1995 йил, 28-бет.

Айнан шу матлаъни Бобур ўз рисоласида кептиради (61 а варак). Ёки рисоланинг 48 б - 49 б варакларида "Мир Алишер Навоий даги ўн иккى аҳрам вазнига уч рубий ва ўн иккى аҳрам вазнига уч рубий айтибтур", деб таъкидлаб, ана шу руబойларни вазн кўрсатгичлари билан иккى байт-икки байт ҳолида ёзди. Уларни кептирамиз:

Ё Раб, не оғатдур ул ҳусну жамол,
Ким йўқтур ер ила жаҳон ичра мисол.
Минг қатла шукрни десам оз зур
Гар бўлса бир замон манга коми висол.

Эй сенсизин умрумдин осойиш йўқ,
Кўз истарким, кўрса жамолингни тўқ.
Келгилким, бир қатла узоринги кўрай,
Ким ҳажринг кўп урди (бу) кўксумга ўқ.

Эй маҳваш, ўтгай бу саркашли ҳам
Раҳим айлаб бу қулға жафони қил кам.
То Тенгри асралай ҳалойиқа сени,
Айлармен юз дуо сенинг сари дам.

Эй сендин ўлуб багрим ҳам кўксум дод
Кўнглум ўтул ўтқа тўкуб ашким ёт.
Тан ўтсаған ичра жонингга фидо,
Жон куйса мухаббатингда сен бўлғил соғ.

Бир лаҳза кўнгул сенсиз ҳолин билмас,
Жаворнунг кўнгулга эй париваш қил бас.
Ҳажрингда фиғонимга улус нола қилур,
Қил ҳолима раҳмим, эрурмен бекас.

Эй шўх, бизинг сори бир айла назар,
Ким оху фиғон ўти чекар кўкка шарар.
Ё васл ила кўнглумга қарин айла мурод,
Ё қатл ила қўйма бу ҳаётимга асар.

Мана шу жиҳатларнинг ўзиёк Бобурнинг "Аruz risolasi" устида ҳали илмий-қиёсий ва матни тадқиқлар давом этиши позимлигини кўрсатади. Шу билан бирга, Навоий ижодини Бобур нақад яхши билгани ва ҳали бу борада изланишлар бўлиши кераклигига ишора қилади.

"Йиглаган қизлар" номли сериалда ойладиги учта қиздан биттаси қиморбоз бўлиб кетган эмиш. Отаси қамалиб кетиб, 20 йилдан сўнг қамоқиди қизиб, қиморбозларга кўшилиб оларкан. Бир қимор ўйинида қизи ҳам қатнашиб, отасига ютқазиб қўяркан. Ота ўзи танимайдиган қизини хотинликка олишинин ҳоҳлаб қоларкан. Лекин онанинг хунарлари ҳам бундан кам эмас. Сериалнинг давомини кўя турб, шу воқеаларни тасаввур қилгандай одамнинг тепа сочи тикка бўлиб кетади. Хўш, шундай оила бор ҳам дейлик. Бемаъни, бетайин одамлардан иборат бу оиласи шармандали ҳаёт тарзини бутун республика, ҳатто бошқа юртларга достон қилишдан нима наф?! Эҳтимол, бальзилар чет элларда ишланган бу каби сериалларни ҳам кўриш япти-ку, деб эътироз билдиришлари мумкин. Тўғри, лекин одамлар буни чет эълиниг сериални булаштириб турди.

КОҲИРА. Мисрнинг "Сада ал-Балад" ахборот агентлиги академик, юридик фанлар доктори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Акмал Сайдовнинг А



Алишер НАВОЙИ

“ИШҚ ЎТИНИНГ ДОФИНИ АҲЛИ ВАФОДА ИСТАНГИЗ”

ҒАЗАЛЛАР

Ошиқ ўлдум, билмадим ёр ўзгаларга ёр эмиш,
Оллоҳ-оллоҳ, ишқ аро мундок балолар бор эмиш.

Қадига эл майли бўлғондин кўнгул озурдадур,
Ул алифдин зорларнинг ҳосили озор эмиш.

Элга новак урди, мен ўлдум, эрур бас турфаким,
Жоним эттан реш эл бағриға кирган хор эмиш.

Риштаким, муҳлик ярам оғизга тики, англадим,
Ким каған жинси қироғидин сувурған тор эмиш.

Кўйи деворидин оғриқ танға тушган соядек,
Селиғамдин эмди соя ўрниға девор эмиш.

Жонга таҳвиғ айладим тифи ҳалокидин аниңг,
Билмадим бу ишдин ул ўлгунча миннатдор эмиш.

Эй Навоий, хўбларни кўрма осонлиғ била,
Ким биравким солди кўз, узмак кўнгул душвор эмиш.

Кон ютуб умри жаҳон аҳлида бир ёр истадим,
Лекин ул камрак топилди, гарчи бисёр истадим.

Кимгаким жоним фидо айлаб соғинидим, ёр эрур,
Эрмас эрди ёрлигда чун вафодор истадим.

Билмадим олам элида йўқтурур мутлақ вафо,
Ваҳки, умри улча йўқтурур соғини бор истадим.

Улки топилмас башар жинсида, вах, гафлат кўрунг,
Ким пари хайлида мен девонаи зор истадим.

Сирри ишқимни кўнгул кўз бирла фош этмак не тонг,
Қалбу тардоманин чун мен соҳиб асрор истадим.

Шайх бирла хонақадин чун ёруғлук топмадим,
Дайр пири хизматига кўйи ҳаммом истадим.

Эй Навоий, чун рафиқе топмадим бу ўссадин,
Ўзни бекаслик балосига гирифтор истадим.

Жонға чун дермен: “Не эрди ўлмаким кайфияти?”
Дерки: “Боис бўлди жисм ичра маразнинг шиддати”.

Жисмдин сўрсами: “Бу заъфингиға не эрди сабаб?”
Дер: “Анга бўлди сабаб ўтлук бағирнинг ҳиркати”.

Чун бағирдин сўрдум, айтур: “Андин ўт тушти манга
Ким, кўнгулга шуъла солди ишқ барки оғати”.

Кўнглума қисламағазаб, айтурки: “Кўздиндур гунах,
Кўрмайн ул тушмади бизга бу ишнинг тухмати”.

Кўзга чун дерменки: “Эй, тардомани юзи қаро,
Сендин ўлмиш телба кўнглумининг балою ваҳшати”.

Йиғлаб айтур кўзки: “Йўқ эрди манга ҳам ихтиёр
Ки, кўрунди ногаҳон ул шўҳи маҳваш тальъати”.

Эй Навоий, барча ўз узрин деди, ўлгунча куй,
Ким, санга ишқ ўти – ўқ эрмис азалинг қисмати.

Хильятин то айламиш жонон қизил, сориг, яшил,
Шуълайи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Гулшан эттим ишқ саҳросин самуми оҳдин
Ким, эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Шишадек кўнглумдадур гулзори хуснунг ёдидин,
Тобадоннинг аксиқед алвон қизил, сориг, яшил.

Оразу холинг била хаттинг хаёлидин эрур
Кўзларимининг олидида даврон қизил, сориг, яшил.

Лъялгун май тутқил олтун жом бирла сабзада
Ким, булардин яхши йўқ имкон қизил, сориг, яшил.

Фақр аро беранглик душвор эрур беҳад, валек
Хирқада тикмак эрур осон қизил, сориг, яшил.

Эй Навоий, олтину шингарғу зангор истама,
Бўлди назиминг рангидин девон қизил, сориг, яшил.

Истаганлар, бизни саҳрои балода истангиз,
Водийи ҳижрон илида дашти фанода истангиз.

Вомику, Фарҳоду Мажнундеклар ул водий аро
Бўлсалар пайдо, мени ҳам ул ародга истангиз.

Юз аларнинг ишқича дарду, балоу ўссаға
Толиб эл бошига қолган мажарода истангиз.

Эйки, истарсиз саводул вахж фид-дорайндин,
Боҳабар бўлмоқ мени юзи қарода истангиз.

Кўнглум ул зулф иҷрадур, зинҳор ишқим шарҳини
Истаманг мен телбада, ул мутбалода истангиз.

Нўқта янглиғим, вафо узра қилур котиб рақам,
Ишқ ўтиниға донгина аҳли вафода истангиз.

Оғзи шавқидин Навоий итти, они истар эл
Ё адам даштида, ё мулки фанода истангиз.

РУБОЙИЛАР

Кўзум учадур, магарки ёрим келадур,
Эс ҳар дам озар, магар ниғорим келадур.
Ё бодияй фироқ сайрида килиб
Юз марҳала қатъ, шахсуворим келадур.

Лаълинги қилиб нуктасаро, эй қоракўз,
Ишқ аҳли ҳаётига яро, эй қоракўз.
Чекма яна сурма кўз аро, эй қоракўз,
Эл жонига қилма кўз қаро, эй қоракўз.

Гар ошиқ эсанг, меҳру вафо қилма ҳавас,
Дард иставу дағғифа даво қилма ҳавас,
Хижрону висол мутлақо қилма ҳавас,
Дилдорингдин гайри ризо қилма ҳавас.

Ким истаса салтанд, саҳодур анга шарт,
Ҳар ваъдаки айласа, вафодур анга шарт.
Ким фикр талаб қиласа, фанодур анга шарт,
Оллиға неким келса, ризодур анга шарт.

Кўнглумни фаму дард ила қон айлади ишқ,
Кўз йўлидин ул қонни ражон айлади ишқ,
Ҳар қатрани билмадим, қаён айлади ишқ,
Бедил эканим бўйла аён айлади ишқ.

Кўнглум гулу сарв майли қилмас, нетайин?
Сарву гул или dame очилмас, нетайин?
Гар шўх кўрунса, кўзга илмас, нетайин?
Бир шўхким, ул тиар – топилмас, нетайин?

Улсам, ясаманг мунда мазоримни менинг,
Юқлаб элитинг жисми фигоримни менинг.
Үтрачи қариб аҳли диёримни менинг,
Кўйида кўйнг тани низоримни менинг.

Эй улки, замона аҳлидин айрилдинг,
Ишқ аҳли тарки хўб экани билдиң.
Хуш қилдинг, алар тавринио қотидинг,
Раҳмат санга, яхши айладинг, хуш қилдинг.

Садбарг, бинафа, йўқса нарғис, ё гул,
Ичмак бўлмас булар ҳавоси била мул.
То ҳажр елидин ўлди ошуфтадимоғ,
Юз ноҳуна кўз иҷраву юз пора кўнгул.

Бурбатқа тушуб заифу бемор ўлдум,
Дарду фаму меҳнат иғидга зор ўлдум.
Саркосар ажал тошидин ағфор ўлдум,
Сенсиз не балоларга гирифтор ўлдум.

Эй боди сабо, агар ҳаво айлагасен,
Гулшана етарни муддао айлагасен.
Сарв олиди ер ўлуб дуо айлагасен,
Гул қошида куллугум адо айлагасен.

Мен меним висол умидидин шод ўлған,

Бир-бир фаму андуҳдин озод ўлған.

Оз-озғина берган сойи гул атари насим,


Булбулдек ишим нолаву фарёд ўлған.

Армуғон



Инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ислоҳотларимиз буюк
Алишер Навоий бобомизнинг битта кўнгли ўзик одамни хурсанд
қилиш – Каъбани обод этиш билан баробар, деган теран маъноли
сўзларига ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳандир.

Шавкат МИРЗИЕВ



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири



Эркин БОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири



Омон МАТЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири



Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

АЛИШЕР

Хирот тонготарин тасаввур қилиб,
Ингитлик умрингнинг камолин кўрдим:
Қариган ғофларин қаро шомида,
Хурсон юлкасарин заволин кўрдим.

Заволни билмаган порлок ижодин,
Мавриғат мулқида битмас ҳазина!
Инсоний камолот катта ўйлади,
Бир пок юксакроқ оптиндан зина.

Ўтмишдан беш юз йил тарихи учун,
Синчиллаб қараса – куни кечадек.
Яшовчан кишига эндиғи минг йил,
Эртага қўлига кирган ўлжадек.

Беш юз йил ҳурматнинг сақлаган ўзбек,
Кечак түғилдинг, деб қилади фарағ,
Етук кишиларни яна минг ийлар
Халқ фарзанд атайди, жондан – бегараз.

Ўзбек деб атаглан озод улуснинг,
Отахон шоири, қадри устод.
Ошиқлар газалинг кўйиға соглана,
Машъуклар дилининг ҳонаси ообод.

Бирор шоҳбайтнинг ёддош тутмаган,
Каттадир, кичиқидир, бизда қиши юй.
Олтин балдокдаги нифрит кўз каби
Асаринг биз учун ўлди қочақи.

Улуғвор халқимиз тарихда машхур,
Гувоҳлик беролур бунга Геродот.
Ўзбекни, тоғижини кабила атаб,
Бирор лорд килолмас ўтмишни унуг.

Шарқимиз чумоли уя эмасдири,
Бирин бироридан таниб бўлмаса,
Шўрлик бойибаплар, толенинг шўр,
Афсуски, тарихдан тониб бўлмаса!

Не-не тарихларни бошдан ўтказиб,
Талай жаҳоларни тортган эски Шарқ –
Не-не даҳоларни тарбият қилиб,
Офтобдай жаҳонни нурга қилди фарқ.

Алишер Муштари юлдузи каби
Ўзбек осмонида балқиган чоги,
Яна бир мұхтарар үйил қўргандай,
Каттароқ очида олам кучоги.

Электр барчанинг ўйин ёртүр,
Ва туз тотимида миллий фарқ йўқ.
Маъриғат инсоннинг шерик хислар,
Ватани фазодир бўшаларкан ўқ.

Тирик Фарҳодларни танимак бўлиб,
Олий юртимизга қиссангиз сафар,
Бу ерда ҳар битта тарошланган тош,
Юксак умидлардан беради хабар.

Жаҳонки муқаддас нени кўрибди, –
Барига онасан, ёй қодир ҳаёт.
Беш юз йил наридан бокиб турибди,
Нурли бу юзларга нуроний бир зот.

Шу буюк ўғлингни ардоқлаб дилдан, –
Ҳалқим, таъзим этсанг арзигай тамом.
Унинг номи билан бирга битилган
Дунё дафтарида ў

МУЖДА

“Парчагина булат, чексиз ос(и)мон, Адир ортидаги ёлғизоёк йўл”ни кўп соғинаман. Қаҳрамон шоиримиз тасвирлаган манзара мен түғилган қишлоққа жуда ҳам ухшайди. Шунинг учунми, билмадим, шу шеър бўлакча таъсир қилган. Шу шеър бор китоб жавонимнинг қўйларига жойида турибди. Ҳар гал китобга кўзим тушганда, шу шеърни топиб ўқийман. Кўп вақт ўқимай қўйсан, соғинаман.

Одам бозсан “Тарихингидир минг асрлар ичра пинҳон, ўзбегим... Одамийлик дини бирла тоза иймон ўзбегим”, “Мен нечун севамай Ўзбекистонни”, “О, ота мақоним, онажон ўлқам” сингари ватан, ватанпарварлик ифодаланган сатрларни ҳам соғини қоларкан.

Она ватан мадж этилган шеър-қўшиклирни соғиниб қолган битта менни, деб юрсам, “Ватан манзумаси”дан сўнг билдики, бутун халқимиз бундай куй-қўшиклирни, шеърларни соғинаг экан. Республикаимиз бўйлаб ўтказилган бу муҳташам маърифий концерт элизимизнинг соғинчига, кўнгил эҳтиёжига малҳам бўлди гўё. Бугунги дунё ва унда кечаттган олаговору ҳаёт ҳам бундай шеърларга, куй-қўшиклирни эҳтиёж борлигини, кучайгини қўрсатди. Миллий дардкаш шоиримиз Чўлпон бежиз “Адабиёт яшаса, миллат яшар”, деган хулосага келмаган экан.

Ўтган йилда ҳарбий хизматчилаш ва ёшларимизнинг юксак ватанпарварлик туйғусини, жанговар руҳини камол топтириш максадида бутун мамлакатимиз бўйлаб “Ватан манзумаси”номли адабий-маърифий кечалар ўтказилганни яхши эсласангиз керак. Маърифий кечада Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ёзувчilar уюшмаси, Республика Манъавият ва маърифат маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигига ташкил этилганди. Дастур Қуроли Кучлар тизимида олиб бориллаётган янгича ислохотлар турфайли юртимизда шаклланган “Халқ билан армия – бир тану бир жон” деган эзгу анъанани, айниқса, ижодкорлар ва ҳарбий хизматчилаш орасида яқдиллики юнда мустахкамлаша, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялаш мақсадида ўтказилган эди.

– Мамлакатимиздаги тинч ва осойишига ҳаёт, ижтимоий барқарорлик, ҳамжихатлик, меҳр-оқибатли бўлиши олий қадрят экани ушбу ёрқин шеърий-мусиқий дастур орқали яна бир карга уз фидасини топди. Юртимиздаги тиҷчилик ва тутувлики, ахиллик ва ҳамжихатликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш нафақат ҳарбий соҳа вакилла-